



O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi



2022

ФУҚАРОЛАР УЧУН  
БЮДЖЕТ



ФУҚАРОЛАР УЧУН  
**БЮДЖЕТ** | 2022

Тошкент – 2022

Ушбу нашрда келтирилган фикр ва ҳулосалар муаллифнинг ўз нуқтаи назари бўлиб, БМТ, шунингдек БМТТД ва БМТ га аъзо давлатларнинг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (БМТТД) қашшоқлик, тенгсизлик ва иқлим ўзгариши сабабли пайдо бўлган адолатсизликка қарши курашда БМТнинг етакчи ташкилотидир.

170 та мамлакатдаги кенг экспертлар ва ҳамкорлар тармоғи билан фаолият олиб бориб, биз одамлар ва сайёра учун мувофиқлаштирилган, узоқ муддатли ечимларни яратишга ёрдам берамиз.

Биз ҳақимизда кўпроқ маълумотни [uz.undp.org](http://uz.undp.org) сайтдан олинг ёки [@UNDP\\_uzbekistan](https://twitter.com/UNDP_uzbekistan) ни ижтимоий тармоқларда кузатиб боринг.



# МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1   БЮДЖЕТ ҚОНУНЧИЛИГИДА НИМАЛАР ҶЗГАРДИ?	5
2   2022 ЙИЛ УЧУН МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА 2023-2024 ЙИЛЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАР	6
3   2022 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ	9
ДАРОМАДЛАР	9
ХАРАЖАТЛАР	15
БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ ВА УНИ ҚОПЛАШ МАНБАЛАРИ	49
4   ДАВЛАТ ҚАРЗИ	50
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР	53
БОҒЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТ	56



# КИРИШ

Молия вазирлиги 2022 йил учун тасдиқланган Давлат бюджетига бағишланган навбатдаги “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашрини тақдим этади. Нашрда бюджет қонунчилигидаги асосий ўзгаришлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунига мувофиқ даромадлар прогнози ва харажатлар мўлжаллари келтириб ўтилган.

2022 йил бюджетини ишлаб чиқилишида асос бўлиб хизмат қилган макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози мазкур нашрнинг биринчи бўлимида келтириб ўтилган. Ушбу прогнозлар доирасида 2022-2024 йилларда иқтисодий ўсиш суръатларининг 6,0-6,6 фоиз даражада бўлиши кутилмоқда.

Нашрнинг асосий бўлимида Давлат бюджети даромадлари прогнози, харажатлари ва тақчиллигининг мўлжаллари келтириб ўтилган. Фойдаланувчилар эътиборига 2022 йил учун солиқ-божхона сиёсатининг асосий йўналишлари, манбалар кесимидаги бюджет даромадларининг прогнози ҳамда улар бўйича бюджет тушумларига таъсир этувчи омиллар ҳам ҳавола этилади.

2022 йилда Давлат бюджетининг харажатларига келсак, харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги сақланиб қолинади. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари режалаштирилаётган бюджет харажатларининг 49%ини ташкил этади.

Ўрта муддатли истиқболда Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида, бюджет тақчиллигини босқичма-босқич камайтириш режалаштирилмоқда. Қабул қилинган қонунга мувофиқ 2023 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 3%дан ошмаслиги белгиланди.

Нашрнинг алоҳида бир бўлими пандемия шароитига қарамасдан, макроиқтисодий барқарор даражадаги давлат қарзи ҳолати ва динамикасига оид масалаларга бағишланган. Мазкур бўлимда, шунингдек давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари бўйича мўлжаллар ҳамда ички ва ташқи қарз миқдорига белгиланган чекловлар келтириб ўтилган.

Молия вазирлиги мазкур нашр, фойдаланувчиларнинг кенг оммасига фойдали бўлишига умид қилади ҳамда фуқаролар билан мулоқотни кенгайтиришга тайёр эканлигини маълум қилади.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Молия вазирлиги**

# 1

## БЮДЖЕТ ҚОНУНЧИЛИГИДА НИМАЛАР ҰЗГАРДИ?


2021	<p><b>БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ</b></p> 	2022
<p>Ялпи ички маҳсулотнинг 6,5 фоизи</p>	<p><b>КОНСОЛИДАЦИЯ ЛАШГАН БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИНИНГ ЧЕГАРАВИЙ МИҚДОРИ</b></p>	<p>Ваколатлар берилиши</p> <p><b>Ҳисоб палатасига қуйидагилар бўйича:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказиш ва баҳолаш ҳамда улар юзасидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига хулоса тақдим этиш;</li> <li>• Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этиш.</li> </ul> <p><b>маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг Ҳисоб палатасига қуйидагиларни тақдим этишлари бўйича:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• кўриб чиқиш ва тегишли хулосаларни тақдим этишлари учун келгуси йилга мўлжалланган Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини;</li> <li>• ўтган молия йили учун ташқи аудит ва баҳолашни ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларини.</li> </ul>
<p>Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси, ўрта муддатли давр учун фискал стратегия, шунингдек давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Олий Мажлис палаталарига юборилиши олдидан мажбурий равишда жамоатчилик муҳокамасига қўйилади. Шу билан бирга, Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун нашр этилмоқда.</p>	<p><b>БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ</b></p> 	<p>Ялпи ички маҳсулотнинг 3,0 фоизи</p> <p>Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси, ўрта муддатли давр учун фискал стратегия, шунингдек давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Олий Мажлис палаталарига юборилиши олдидан мажбурий равишда жамоатчилик муҳокамасига қўйилади. Шу билан бирга, Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун нашр этилмоқда.</p> <p>Маҳаллий бюджет лойиҳалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан жамоатчилик муҳокамасига қўйилади;</li> <li>• жамоатчилик муҳокамаси якунлари бўйича келиб тушган асосланган таклиф ва мулоҳазалар асосида қайта кўриб чиқилади ва ҳокимият вакиллик органларига киритилади.</li> </ul>

## 2

# 2022 ЙИЛ УЧУН МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА 2023-2024 ЙИЛЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАР



Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилда иқтисодий фаолликнинг босқичма-босқич тикланиши шароитида ЯИМ ўсиши 7,4%ни ташкил қилди (2020 йилда 1,9%). 2022 йил учун қабул қилинган бюджетга асос бўлиб хизмат қилган макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози доирасида иқтисодий ўсиш 6%ни ташкил қилади ҳамда 2024 йилга келиб эса ўсиш суръатлари 6,6%гача кўтарилиши кўзда тутилган. Ушбу прогноз бўйича 2022 йилда ЯИМ ўсишининг асосий омиллари бўлиб иқтисодиёт асосий тармоқларининг инқирозгача бўлган давр кўрсаткичларига қадар ўсиш суръатларининг тикланиши, уй хўжаликлари якуний истеъмолнинг ўсиши, асосий фондларга инвестициялар ва COVID-19 пандемиясидан сўнг ташқи савдо фаолиятининг тикланиши асносида экспорт-импорт операциялари ҳажмининг ўсиши хизмат қилади.

## 2020-2024 ЙИЛЛАРДА ЯИМ ҲАЖМИ ВА ЎСИШ СУРЪАТИ




Макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлашуви шароитида 2022 йил учун прогноз иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги иқтисодий ўсишнинг тикланишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

### 2020-2024 ЙИЛЛАРДА ИҚТИСОДИЁТ АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЎСИШ СУРЪАТИ




ЯИМнинг тармоқлар таркибида деярли ўзгаришлар кузатилмайди. 2022 йил ва келгуси икки йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги улушининг камайиши ҳолатида саноат тармоғининг улуши ортиб боради.

### 2020-2024 ЙИЛЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ КЕСИМИДА ЯИМ ТАРКИБИ





## 2020–2024 ЙИЛЛАРДА ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ, %




Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилда инфляция 10%ни ташкил қилиб, 2023 йил ва келгуси йилларда 5%гача пасайиши прогноз қилинмоқда.


2021 йилда ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳажмларнинг инқирозгача бўлган давр кўрсаткичлари даражасигача тикланиши қайд қилинди. 2022 йил ва келгуси икки йилда ташқи савдо айланмасининг ўсиши прогноз қилинмоқда.

Мазкур юқорида келтириб ўтилган макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида 2022 йил учун Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва Консолидациялашган бюджетнинг йиғма мўлжаллари прогнози амалга оширилди ҳамда қабул қилинди.

## 2020-2024 ЙИЛЛАРДА ТАШҚИ САВДО БАЛАНСИ, МЛН АҚШ ДОЛЛ.




## 2022 ЙИЛ УЧУН КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ПРОГНОЗИ ВА БЮДЖЕТ МЎЛЖАЛЛАРИ, МЛРД СЎМ



- Консолидациялашган бюджет даромадлари
- Консолидациялашган бюджет харажатлари
- Консолидациялашган бюджет сальдоси (профицит+/тақчиллик-)

## 2022 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА БЮДЖЕТ МЎЛЖАЛЛАРИ, МЛРД СЎМ



- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари
- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари
- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг сальдоси (профицит+/тақчиллик-)

## 3

2022 йил учун  
ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

## Даромадлар

2022 йил учун Давлат бюджети даромадларининг прогнози нималарга асосланган?

2022 йил учун Давлат бюджети даромадлари прогнози қуйидагиларга асосан ишлаб чиқилган	
	инфляция даражаси 9 фоиз бўлган ҳолда ЯИМнинг 6,0 фоизга ўсишини кўзда тутувчи мамлакатнинг 2022 йил учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози
	айрим турдаги стратегик аҳамиятга эга товарларнинг жаҳон бозоридаги нархларининг ўзгариш прогнози
	валюта курсининг прогноз динамикаси
	халқ истеъмол товарлари импорти ҳажмининг режалаштирилаётган ортишига
	табiiй газ экспортининг режалаштирилаётган ортиши ва экспорт нархларининг сақланиб қолинишига

2022 ЙИЛ УЧУН СОЛИҚ-БОЖХОНА СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ ЎЗ ТАРКИБИГА НИМАЛАРНИ ОЛАДИ?


- Солиқларнинг асосий турлари бўйича ставкаларни ўзгаришсиз қолдириш;
- Самарасиз солиқ ва божхона имтиёзларни бекор қилиш ишларини давом эттириш;
- Ер қаъридан фойдаланувчиларни солиққа тортишнинг замонавий моделини жорий этиш;
- Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини 2 фоиздан 1,5 фоизга пасайтириш;
- Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкаларини 1,1 баробарга индексация қилиш;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув учун ставкалардан ташқари) ставкаларини инфляция даражасида 1,1 баробарга индексация қилиш;
- Қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув ҳажми бўйича солиқ ставкасига 1,05 коэффицентни қўллаш;
- Солиқ мақсадидаги харажатлар таркибига кирадиган амортизация ажратмаларининг чегаравий нормаларини ортиши:
  - бинолар учун 3 фоиздан 5 фоизгача;
  - иншоотлар учун 5 фоиздан 10 фоизгача;
  - узатиш қурилмалари, куч машиналари ва асбоб-ускуналар учун 8 фоиздан 15 фоизгача;
  - иш машиналари ва асбоб-ускуналар учун 15 фоиздан 20 фоизгача;
  - компьютерлар ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари учун 20 фоиздан 40 фоизгача оширилмоқда.
- Қуйидагилар учун йўналтирилган маблағлар суммасига инвестициявий чегирма миқдорини ошириш:
  - янги технологик ускуналарни сотиб олиш – 10 фоиздан 20 фоизгача;
  - ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш – 5 фоиздан 10 фоизгача.
- Фойда солиғини ҳисоблаб чиқишда зарарни келгусига ўтказишни келгуси 10 йил мобайнида ўтказиш тартибини келгусига ўтказиладиган зарарнинг умумий миқдорига қўйилган чекловни бекор қилган ҳолда сақлаб қолиш.

2022 ЙИЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ҚЎЙИДАГИ СТАВКАЛАР САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ :

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси	▶	<b>15%</b>
Фойда солиғининг базавий ставкаси	▶	<b>15%</b>
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси	▶	<b>12%</b>
Айланмадан олинадиган солиқ ставкаси	▶	<b>4%</b>
Дивидендлар кўринишидаги даромадлардан олинадиган фойда солиғи ставкаси	▶	<b>5%</b>
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаси	▶	<b>1 гектар учун абсолют миқдорда белгиланган</b>
Қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув ҳажми бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси, деҳқон хўжаликларини инobatга олган ҳолда	▶	1 куб м учун <b>40</b> сўм


2022 йил учун Давлат бюджети даромадлари **200,0 трлн сўм** ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23,8% миқдорида прогноз қилинмоқда (2021 йилда 164,8 трлн сўм ёки ЯИМнинг 22,4 фоизи).

### ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИ, 2022 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ



2022 йилда Давлат бюджети даромадларининг ўсиши умумий солиқ юкининг сезиларсиз ўсиши шароитида прогноз қилинмоқда.

### 2020-2022 ЙИЛЛАРДА СОЛИҚ ЮКИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ



## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ АСОСИЙ МАНБАЛАР КЕСИМИДА

**Бевосита солиқлар 63 330,5 млрд сўм** бўлиб, Давлат бюджети умумий даромадларининг 31,7%ини ҳамда ЯИМга нисбатан 7,5%ни ташкил этади.

### 2022 йил учун БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШДА ҚЎЙИДАГИЛАР ҲИСОБГА ОЛИНДИ:

Иқтисодий ўсиш суръатлари	Янги ишлаб чиқариш қувватларининг жорий этилиши	Иш ҳақининг ўсиши
<b>ТУШУМЛАР ПРОГНОЗИ</b>		
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи <b>22 045,0 млрд сўм</b> (+ 16,5%)	Фойда солиғи <b>38 557,2 млрд сўм</b> (+ 0,5%)	Айланмадан солиқ <b>2 728,3 млрд сўм</b> (+ 65,4%)

**Билвосита солиқлар 73 164,9 млрд сўм** бўлиб, Давлат бюджети умумий даромадларининг 36,6%ини ҳамда ЯИМга нисбатан 8,7%ни ташкил этади.

Билвосита солиқлар бўйича асосий тушумлар (72,8%) ҚҚС ҳисобидан таъминланиб, **53 300,0 млрд сўм** миқдорида ёки жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 38,7%га кўп даромад тушиши прогноз қилинмоқда.

Мамлакатда ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар учун ҚҚС	31,7 трлн сўм +6,1 трлн сўм +24,0%
Импорт товарлар учун ҚҚС	34,1 трлн сўм + 6,8 трлн сўм +25,0%
ҚҚС қайтарилиши	-12,5 трлн сўм

### 2022 йилда ҚҚС бўйича АСОСИЙ ўЗГАРИШЛАР


<p><b>ҚҚС суммасининг ҳисобга олиниши бекор қилинади:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари хизматларига (бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар бундан мустасно);</li> <li>қатъий белгиланган қийматда кўрсатилган банк хизматларига.</li> </ul>	<p><b>Товар (хизмат)лар реализация ҳажмидан қатъий назар, қўйидагилар ҚҚС тўловчилари ҳисобланади:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>суғориладиган ер майдони 25 гектардан ортиқ ер майдонига эга бўлган фермер хўжаликлари;</li> <li>солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ва аудиторлик ташкилотлари.</li> </ul>
---	---

**Акциз солиғи бўйича прогноз 15 038,3 млрд сўмни** ташкил этиб, жорий йилда кутилаётган тушумлар билан солиштирганда 14,9%га ўсиши кутилмоқда.

## 2022 йилда акциз солиғи бўйича асосий ўзгаришлар



## 2022 йил учун акциз солиғининг маҳсулотлар турлари бўйича прогнози



## АЛКОГОЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИГА АКЦИЗ СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

№	Товарлар номи	2021 йил 1 январдан	2022 йил 1 июндан
1	Озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфиральдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фракцияси	13 500 сўм	14 900 сўм
2	Ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари	125 100 сўм	138 000 сўм
3	Ҳажмий улушда спирт 40 фоиздан кўп бўлган ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари	206 700 сўм	228 000 сўм
4	Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун)		
	табиий равишда ачитилган табиий винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда)	1 сўм	1 сўм
	бошқа винолар, шу жумладан вермут	18 000 сўм	19 800 сўм
	Пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун)	12 600 сўм	13 800 сўм

Божхона божи **4 826,6 млрд сўм** бўлиб, 2021 йилда кутилаётган тушумларга нисбатан 1,3%га ортади.

**Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи 22 740,5 млрд сўм** бўлиб, Давлат бюджети умумий даромадлари таркибида 11,4%ни ва ЯИМга нисбатан 2,7%ни ташкил этиши кутилмоқда.

Ресурс солиқларидан тушумларнинг аксарият қисми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ – **14 403,5 млрд сўм** ҳисобига тўғри келади.

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумларининг пасайишига таъсир этувчи омиллар (-1 408,5 млрд сўм)**

- олтин бўйича солиқ ставкасининг 15% дан 10% га тушиши;
- норуда қурилиш материаллари бўйича солиқ ставкасининг икки барабарга пасайиши (22 500 сўм/тонна)

**Мол-мулк солиғи – 3 173,8 млрд сўм**  
(2021 йилда – 2 457,3 млрд сўм)

солиқ солишнинг айрим объеклари учун белгиланган камайтирилган солиқ ставкалари миқдорининг ортиши, жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиғини индексация қилиниши натижасида тушумларнинг ўсиши прогноз қилинди

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – 910 млрд сўм**  
(2021 йилда – 684,4 млрд сўм)

тушумларнинг ўсиши солиқ ставкаларининг йиллик индексацияси билан боғлиқ (қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув учун белгиланган ставкалардан ташқари)


**Ер солиғи – 4 253,3 млрд сўм**  
(2021 йилда – 4 082,8 млрд сўм)

юрдик шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари учун қўлланиладиган камайтирувчи коэффициентнинг ортиши натижасида тушумларнинг ўсиши прогноз қилинди

2022 йилда бошқа даромадлар **40 764,1 млрд сўм**ни ёки Давлат бюджетига тушумларнинг умумий ҳажмининг 20,4%ини ташкил этади.

Бюджет даромадлари кўп жиҳатдан йирик солиқ тўловчи корхоналар иқтисодий ҳолатига боғлиқ бўлади.

**ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТ ТУШУМЛАРИДАГИ УЛУШИ, 2022 ЙИЛ ПРОГНОЗИ, %**




\*Божхона божини ҳисобга олмаган ҳолда республика ҳудудига олиб кириладиган товарлар учун тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича

## Харажатлар


Давлат бюджетининг 2022 йилдаги харажатлари **214,8 трлн. сўм** ёки ЯИМнинг 25,6% (2021 йилда – 188,1 трлн. сўм ёки ЯИМнинг 25,6%) ҳисобида тасдиқланди. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида 2022 йилда тармоқ ривожланиш дастурларини амалга оширишга сарфланадиган харажатларни ошириш режалаштирилган.

### ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАРКИБИ, 2022 ЙИЛ УЧУН МЎЛЖАЛЛАР



Давлат бюджети харажатларининг ярми – **105 199,5 млрд сўм** ёки умумий харажатларнинг 49,0%и ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилади.





### ИЖТИМОЙ ХАРАЖАТЛАР ТАРКИБИ, 2022 ЙИЛ УЧУН МЎЛЖАЛЛАР





Аввалги йиллар каби ижтимоий харажатларнинг аксарият қисмини таълимга харажатлар (44,4%) ташкил этиши кутилмоқда. 2022 йилда таълимга 46,9 трлн сўм ажратилиши режалаштирилган бўлиб, 2021 йилда белгиланган харажатларга нисбатан 7,1 трлн сўмга кўпроқни ташкил этади.

**ТАЪЛИМГА ХАРАЖАТЛАР, 2022 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ, МЛРД СЎМ**


<b>46 713,8</b> млрд сўм		Мактабгача таълим	8 607,1
		Умумий таълим	30 635,4
		Ўрта махсус профессионал таълим	7 471,3
		Олий таълим	



Мактабгача таълим – **8 607,1** млрд сўм

2022 йилда болаларни мактабгача таълим билан қамровини 63%гача оширишни ҳисобга олган ҳолда мактабгача таълим харажатлари режалаштирилган. 2024 йил якунига келиб, 6 ёшли болаларни мактабгача таълим тизими билан тўлиқ қамровини таъминлаш ва 2026 йилда эса болаларни мактабгача таълим қамровини 80%гача ошириш кўзда тутилган.

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАРКИБИ, 2022 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ, МЛРД СЎМ**



Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат ва оилавий турларининг ортиши ва ушбу соҳада давлат-хусусий шерикликнинг янада ривожланиши ҳисобига болаларни мактабгача таълим билан қамровини ошириш режалаштирилган.

### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ


Кўрсаткичлар	2021	2022 (мўлжаллар)
Мактабгача таълим ташкилотлари сони	21 487	23 150
<i>шундан:</i>		
давлат мактабгача таълим ташкилотлари	6 193	6 327
давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотлари	953	1 048
оилавий мактабгача таълим ташкилотлари	14 341	15 775
Сиғими, минг нафар	881,7	885,0
Гуруҳлар сони, мингта	47,1	50,9
Тарбиячилар сони, минг нафар	1 608,0	1 715,3
<i>шундан:</i>		
давлат мактабгача таълим ташкилотларида, минг нафар	1 130,7	1 153,3
давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларида, минг нафар	107,5	118,3
оилавий мактабгача таълим ташкилотларида, минг нафар	369,7	443,7
3-7 ёшдаги болаларнинг умумий сони, минг нафар	2 792,8	2 876,6
Болаларнинг мактабгача таълим билан қамрови, %	58	63



Умумий таълим – **30 635,4** млрд сўм

2022 йилда умумий ўрта таълимга харажатлар 1,18 баравар оширилади. 2022 йилда ўқитувчиларга тўланадиган иш ҳақини табақалаштирилган ҳолда оширилиши кўзда тутилган.

### УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ, 2022 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ, МЛРД СЎМ



## УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ




<b>УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ СОНИ</b>  <b>10 707</b>		Умумтаълим мактаблари	9 836
		Махсус мактаблар	89
		Мактаб-интернатлари	219
		«Меҳрибонлик» уйлари, «SOS» болалар шаҳарчалари, болалар маҳаллалари	33
		«Баркамол авлод» болалар мактаблари	214
		Болалар мусиқа ва санъат мактаблари	316
		Ўқувчилар сони	7 059 МИНГ КИШИ

2022 йилда маҳаллий бюджетлардан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланғич мактаб ўқувчиларига бепул тушлик учун 200 млрд сўм ажратилади.



Мактабдан ташқари таълим – **891,9** млрд сўм

## БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ, 2022 ЙИЛ УЧУН МЎЛЖАЛЛАР

	Болалар мусиқа ва санъат мактаблари		Таълим олаётган болалар сони		Давлат бюджети харажатлари
	316		88 736		640,8 млрд сўм

## «БАРКАМОЛ АВЛОД» БОЛАЛАР МАКТАБЛАРИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ, 2022 ЙИЛ УЧУН МЎЛЖАЛЛАР

	«Баркамол авлод» болалар мактаблари сони		Таълим олаётган болалар сони		Давлат бюджети харажатлари
	214		153 925		251,1 млрд сўм

## 2022 ЙИЛ БОШИГА БОЛА ТАЪЛИМ ОЛИШИ УЧУН ОЙЛИК ОТА-ОНАЛАР ТЎЛОВИ\*

	Тошкент ш.	Вилоят марказлари	Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа аҳоли пунктлари	
	Мусиқа	<b>75%</b>	<b>50%</b>	<b>30%</b>
	Санъат	<b>50%</b>	<b>30%</b>	<b>20%</b>

\*Базавий ҳисоблаш миқдорида нисбатан ҳисобланади



## Ўрта махсус профессионал таълим – 2 222,5 млрд сўм

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимига академик лицейлар, коллежлар, техникумлар ва касб-ҳунар мактаблари киради.

### Ўрта махсус профессионал таълим бўйича асосий кўрсаткичлар ва харажатлар, 2022 йил учун мўлжаллар

Таълим муассасалари сони	Ўқувчилар сони	Ўқитувчилар сони
802	508,7 минг киши	33,3 минг киши

Давлат бюджетидан харажатлар <b>2 222,5</b> млрд сўм	Академик лицейлар	326,2 млрд сўм
	Касб-ҳунар коллежлари	497,6 млрд сўм
	Касб-ҳунар мактаблари	1 130,3 млрд сўм
	Техникумлар	203,0 млрд сўм
	Қурилиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш марказлари	65,4 млрд сўм



## Олий таълим – 5 248,8 млрд сўм

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	Стипендиялар	Бошқа харажатлар*
2 245,9 млрд сўм	1 223,7 млрд сўм	1 579,2 млрд сўм

\* Таълим кредитини молиялаштириш жамғармасига трансфертларни ҳисобга олган ҳолда.

Олий таълим харажатлари 2026 йилгача олий таълим қамровини 50%га ва таълим сифатини ошириш каби ушбу соҳадаги асосий устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда прогноз қилинмоқда.

	2020/2021 ўқув йили	2021/2022 ўқув йили (прогноз)	2022/2023 ўқув йили (прогноз)
Олий ўқув юрти	106	110	115
Штат бирликлари	18 409	23 011	28 764
Талаба	551 431	622 818	708 168

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ НЕЧТА ГРАНТ ЎРИНЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ?

Кўрсаткичлар	Ўқув йили		
	2020/2021	прогноз	
		2021/2022	2022/2023
<b>Грант квоталари сони</b>	<b>37 165</b>	<b>47 383</b>	<b>56 096</b>
<i>шундан:</i>			
бакалаврият	24 670	30 329	36 711
магистратура	5 475	7 455	8 555
имтиёзли асосда қабул	7 020	9 599	10 830
<b>Талабалар сони</b>	<b>551 431</b>	<b>622 818</b>	<b>708 168</b>
<i>шундан:</i>			
давлат буюртмаси асосида	106 027	132 874	169 230
шартнома асосида	445 404	489 944	538 938



**Соғлиқни сақлаш соҳасига – 22 732,1 млрд сўмни йўналтириш**  
режалаштирилмоқда

Тиббиёт муассасалари –  
**3 704**

Штат бирликлари –  
**488 530**



*жумладан:*  
Шифокорлар сони –  
**110 613**



*жумладан:*  
Ҳамширалар сони –  
**226 833**



Койка-ўринлари сони –  
**118,3 минг**

2022-2026 ЙИЛЛАРДА ҚЎЙИДАГИЛАР  
РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА:

### 1. Тиббий суғурта тизимини жорий этиш, жумладан:

- “ҳар бир ҳолатни” молиялаштириш тизимига ўтиш;
- буюртма (йўналишлар) асосида беморларга имтиёзли асосда кўрсатиладиган тиббий хизмат тарифларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- тиббиёт муассасалари раҳбарларига ходимлар ва мутахассисларнинг иш ҳақини мустақил равишда белгилаш ҳуқуқини бериш


2. Республика ҳудудига дори воситалари ва тиббий буюмларни олиб кирилган пайтдан бошлаб беморнинг **дори воситаларига шаффоф киришини таъминлайдиган дори воситалари ва тиббий буюмларни ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимини (тамғалашни/штрихлашни) яратиш.**

3. Тор ихтисослашган тиббиёт муассасаларининг (онкология, кардиология, офтальмология, урология, эндокринология ва бошқалар) **вилоят марказларидаги минтақавий кўп тармоқли тиббиёт марказига бирлаштириш.**

4. **Давлат бюджети ҳисобидан дори-дармонлар ва дори воситалари билан таъминланган беморларнинг ягона электрон реестрини яратиш.**

Соғлиқни сақлаш бюджетида юқори улушни иш ҳақи харажатлари, жумладан унга ажратмалар ташкил этади. 2022 йилда ушбу мақсадлар учун **16 057,7 млрд сўмни** (жорий харажатларнинг 70,6%и миқдориди) ажратиш режалаштирилган.

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ, 2022 ЙИЛ УЧУН МЎЛЖАЛЛАР, МЛРД СЎМ



Ажратиладиган маблағлар ҳажми бўйича кейинги йўналиш – **2 119,5 млрд сўмни** ташкил этувчи дори-дармон воситалари, тиббиёт буюмлари, вакциналар ва бактериологик препаратларга сарфланадиган харажатлар. 2022 йилда коронавирус инфекциясига қарши курашиш учун **1 700 млрд сўм** ажратилиши кўзда тутилган.

### КИШИ БОШИГА, ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМГА БИР ЧАҚИРУВ ВА БИТТА КОЙКА-ЎРИН ҲИСОБИГА ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ДОРИ-ДАРМОНЛАР УЧУН ХАРАЖАТЛАР<sup>1</sup>, 2021-2022 ЙИЛЛАР, СЎМ\*

№	Тиббий муассасалар	2021	2022 (мўлжаллар)
1	Қишлоқ врачлик пунктлари, киши бошига	4 890	16 500
2	Оилавий поликлиникалар, киши бошига	4 890	16 500
3	Кўп тармоқли поликлиникалар, киши бошига	6 350	16 500
4	Шошилинч тиббий ёрдам хизматлари, бир чақирувга	7 700	8 470
5	Ҳудудий касалхоналар, койка-кунга	13 220	14 542
6	Ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари, койка-кунга	24 658	27 124
7	Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари, койка-кунга	48 315	53 147
8	Силга қарши диспансерлари ва касалхоналар, койка-кунга	19 316	21 248
9	Онкологик диспансерлар, койка-кунга	46 391	51 030
10	Эндокринологик касалхоналар (диспансерлар), койка-кунга	23 099	25 409
11	Юқумли касалликлар шифохоналари, койка-кунга	18 169	19 986
12	Ҳудудий перинатал марказлар, акушерлик мажмуалари, туғруқ мажмуалари, койка-кунга	24 610	27 071

\*Бир киши томонидан бир сутка давомида эгаллаб туриладиган ётоқ ўрнига тенг шартли бирлик.

## ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИГА МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ҲАРИДЛАР УЧУН АЖРАТИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАР

**205,0 млрд сўм**  
болаларни вакцинация қилиш билан боғлиқ харажатлар

**58,1 млрд сўм**  
болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш тадбирлари

**28,6 млрд сўм**  
оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини таъминлаш учун зарур дори ва тиббиёт воситалари («К» витамин, сурфактант ва бошқалар) билан таъминлаш харажатлари

**8,0 млрд сўм**  
болалар тиббиёт ва туғруқ муассасаларида юқори технологик лаборатор ускуналаридан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида реагентлар, сарфлов анжомлари ҳамда сервис хизматлар харажатлари

**95,4 млрд сўм**  
одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликлар тарқалишига қарши курашиш билан боғлиқ харажатлар

**79,8 млрд сўм**  
ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш харажатлари

**100,5 млрд сўм**  
гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлашга доир харажатлар

**21,0 млрд сўм**  
буйрак ва жигар трансплантацияси жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларни дори воситалари билан таъминлаш харажатлари

**0,3 млрд сўм**  
меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бланкаларни тайёрлаш харажатлари

**35,5 млрд сўм**  
кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун харажатлар

**101,6 млрд сўм**  
нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш учун харажатлар

**4,2 млрд сўм**  
репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш учун харажатлар

**91,0 млрд сўм**  
болалар, туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш харажатлари

**50,0 млрд сўм**  
«Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш учун харажатлар

**4,0 млрд сўм**  
қон ва унинг компонентларини йиғиш, сақлаш ва етказиш учун бир марталик пластик контейнерлар сотиб олиш харажатлари

**2,6 млрд сўм**  
ижтимоий муҳофаза муассасалари тарбияланувчи ва яшовчиларини гриппга қарши эмлаш харажатлари

**150,0 млрд сўм**  
Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари



**ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА СОНИ, 2022 ЙИЛ (МЎЛЖАЛЛАР)**

Муассасалар	Миқдори
<b>Соғлиқни сақлаш муассасалари, жами</b>	<b>3 704</b>
<i>шундан:</i>	
кўп тармоқли марказий поликлиникалар	206
оилавий поликлиникалар	984
қишлоқ врачлик пунктлари	817
тез тиббий ёрдам хизматлари	197
умумий стационар муассасалари	287
шошилиш тиббий ёрдам марказлари ва бўлимлари	195
ихтисослаштирилган стационар муассасалар	217
меҳрибонлик уйлари	13
кексалар ва ногиронлар учун санаторийлар	10
кексалар ва ногиронлар учун интернат уйлари	28
кичик ёшдаги ногирон болалар учун интернат уйлари	7
тиббий ва ижтимоий ёрдам ҳудудий бошқармалари	14
ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказлари	12
бошқа муассасалар	717



**Маданият харажатлари – 1 822 млрд сўм**

**МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ СОНИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН АЖРАТИЛАЁТГАН САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ, 2022 ЙИЛ УЧУН МЎЛЖАЛЛАР**

Маданият муассасаларининг турлари	Сони	Харажатлар, млрд сўм
<b>Маданият муассасалари</b>	<b>1 682</b>	<b>1 822</b>
Республика Маънавият ва маърифат маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари	15	100
Кўзи ожизлар учун кутубхоналар ва филиаллар	82	36
Музейлар ва кўрғазмалар	45	76
Маданият саройлари ва уйлари	814	251
Театрлар, филармониялар, мақом санъат муассасалари, цирк	68	322
Маданий мерос агентликлари ва ҳудудий бўлинмалари	15	91
Ахборот-ресурс марказлари	201	132
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари	23	429
Маданият соҳасидаги бошқа ташкилотлар	419	386
<i>шу жумладан:</i>		
Кинематография агентлиги (контент ва давлат буюртмаси) ва ҳудудий бўлинмалар	16	182



**ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИГА ХАРАЖАТЛАР, МДРД СЎМ**

№	Дастурлар	2019	2020	2021	2022
1	Маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва қайта тиклаш, шунингдек археологик харажатлар	59,1	66,8	49,3	75,0
2	Ўзбекино Миллий агентлиги бадиий фильмлар, қисқа метражли фильмлар, ҳужжатли фильмлар ва анимацион фильмларни ишлаб чиқариш, дубляж қилиш, қайта тиклаш ва реклама қилиш	56,1	55,8	80,6	90,0
3	Давлат органларининг оммавий ахборот воситалари ва матбуот хизматларини ривожлантириш		20,0	20,0	20,0
4	Давлат театрлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ривожлантириш	11,6	18,7	8,5	14,3
5	Давлат музейларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш	5,8	19,7	7,9	8,0



**Жисмоний тарбия ва спорт ҳаражатлари – 1 602,6 млрд сўм**

**СПОРТ БЎЙИЧА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА СОНИ, 2022 ЙИЛ УЧУН МЎЛЖАЛЛАР**

Ташкилотлар	Миқдори
<b>Ташкилотлар-жами</b>	<b>400</b>
<i>шу жумладан:</i>	
болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	252
футбол академиялари	15
Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	56
Футбол бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	11
Олий спорт маҳорати мактаблари	25
Олимпия захиралари ихтисослаштирилган спорт мактаблари	4
Ўзбекистон "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти	15
Бошқа ташкилотлар	22

**Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари – 400**

Спорт гуруҳлари –  
**4 933**

Тарбияланувчилар сони  
**381 минг киши**

Тўғарақлар (секциялар) сони  
**26 минг**

Штат бирликлари  
**26 минг**

Мураббийлар сони  
**13 минг киши**



## Фанга харажатлар – 1 510,8 млрд сўм

• Давлат илмий-техника дастурларига, ноёб илмий объектлар ва илмий муассасаларни, фан муассасалари ва давлат архивларини сақлашга харажатлар	<b>420,3</b>
• Олий ўқув юртдан кейинги таълим харажатлари (докторантура)	<b>453,6</b>
• Инновацион ривожланиш ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган маблағлар	<b>636,9</b>



## Ижтимоий ҳимоя харажатлари – 12 984,9 млрд сўм

2026 йилгача  
қўйидагиларни амалга  
ошириш режалаштирилган:

- Ижтимоий шартномалар орқали давлат ижтимоий ёрдами тизимини яратиш.
- давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда маҳаллий даражада (“маҳалла” тамойили асосида) ижтимоий иш механизминини босқичма-босқич жорий этиш;
- “Ижтимоий ҳимоянинг ягона реестри” ахборот тизимини аҳолининг барча ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ва уларга кўрсатиладиган барча ижтимоий ёрдам ва хизматлар учун ягона маълумотлар базасига айлантириш;
- Ота-она қарамоғисиз қолган барча етим ва уй-жойга муҳтож болаларни уй-жой билан таъминлаш.

## Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тақсимлаш тизимини автоматизацияси. Нималар амалга оширилди?

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» фуқаролар томонидан ижтимоий нафақалар олиш учун ариза топширганда, оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулки ва меҳнат бандлиги тўғрисида автоматик тарзда электрон ахборот олади. Қонун ҳужжатларида белгиланган мезонлар асосида кам таъминланган оилалар аниқланади, уларга ижтимоий нафақалар тайинланади, барча ариза берувчиларни ижтимоий нафақаларни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисида автоматик равишда хабардор этилади. Ягона ижтимоий ҳимоя реестри доирасида 23 турдаги маълумотларни олиш имконини берувчи 11 та вазирлик ва идораларнинг (Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат персоналлаштириш маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Кадастр агентлиги, Пенсия жамғармаси ва бошқалар) электрон маълумотлар базалари билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.

## Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар

Даромад ва харажатлар барқарорлигини таъминлаш ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси харажатларини ўз вақтида амалга ошириш мақсадида 2022 йил учун бюджетда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига **14,0 трлн сўм** миқдорида трансфертлар кўзда тутилган.

## Иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни ошириш

2022 йил учун бюджет лойиҳасида иш ҳақи, ижтимоий нафақаларни ва пенсияларни инфляция даражасидан юқори бўлган суръатларда оширишга ҳамда ўқувчилар ва шифокорлар иш ҳақини табақалаштирилган тарзда оширишга маблағлар кўзда тутилган.



Иқтисодиётга харажатлар – **24 547,7** млрд сўм

• қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига беғараз молиявий ёрдам	5 000,0
• қишлоқ хўжалиги корхоналарига суғоришнинг янги технологияларига ўтиш, замонавий лабораториялар барпо этиш, фермерларни ўқитиш каби тадбирлар учун	1 000,0
• қишлоқ хўжалиги корхонасига қишлоқ хўжалик техникасини харид қилиш учун ажратилган лизинг ёки кредит фоизини қоплаш учун харажатлар	60,0
• қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига жалб этилган маблағлар ва тижорат банкларида жойлаштирилган ресурсларнинг фоиз ставкалари ўртасида юзага келадиган салбий тафовутни, шунингдек пахта хом-ашёсини машинада териш харажати ҳамда якуний ҳисоб-китоб учун ажратиладиган тижорат кредити бўйича фоиз харажатининг бир қисмини қоплаш учун харажатлар	840,5
• сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	5 905,8
• геологик қидирув ишлари	1 000,0
• аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш	2 863,0
• умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларни сақлаш	2 420,4
• уй-жой коммунал хўжалиги ишлари	1 316,1
• суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	463,8
• табиатни муҳофаза қилиш ишлари	98,6
• фермер хўжаликлари балансидаги насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари томонидан истеъмол қилинган электр энергияси харажатларини қоплаш учун субсидиялар	244,6



## Марказлаштирилган капитал қўйилмалар – 23 790,0 млрд сўм



### ИЖТИМОЙ СОҶА

**5 901,7**  
млрд сўм

682



Олий ўқув юртлари

2 478,2



Умумтаълим мактаблари

800



Мактабгача таълим муассасалари

1 244,3



Тиббиёт ва тиббий-ижтимоий институтлар

500



Жисмоний тарбия ва спорт

150



Маданият ва санъат

47,2




Фан ва инновация



### МУҲАНДИСЛИК-КОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ

**1 320**  
млрд сўм

1 000




Сув таъминоти ва канализация

320




Иссиқлик таъминоти



ИРРИГАЦИЯ  
ВА МЕЛИОРАЦИЯ

**1 493,9**  
млрд сўм



ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ  
ИНФРАТУЗИЛМАСИ

**2 700**  
млрд сўм



МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ,  
МУҲАНДИСЛИК-ИНФРАТУЗИЛМА  
ВА БОШҚА ОБЪЕКТЛАРНИ  
ҚУРИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ  
ҚИЛИШ

**3 996,4**  
млрд сўм

900

туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини такомиллаштириш ва модернизация қилиш

1 700

эркин иқтисодий ҳудудларни, кичик саноат зоналарини, шунингдек тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш

1 396,4

маъмурий ва бошқа объектлар



«ОБОД ҚИШЛОҚ»  
ВА «ОБОД МАҲАЛЛА»  
ДАСТУРЛАРИ

**3 000**  
млрд сўм



АЭРОПОРТЛАРНИ  
ҚУРИШ, ТАЪМИРЛАШ ВА  
РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ

**530**  
млрд сўм



БОШҚА  
ЙЎНАЛИШЛАР

**4 848**  
млрд сўм



## Ташаббусли бюджетлаштириш

### Фуқароларга нима беради?

Фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган маҳаллий бюджетлар маблағларининг бир қисмини тақсимланишида иштирок этишлари имконияти кенгайтирилмоқда. “Очиқ бюджет” портали орқали фуқаролар ҳудудларни ободонлаштириш ва бошқа муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифларни (лойиҳаларни) киритишлари мумкин.

### 2022 йил 1 январдан

Республиканинг барча туман (шаҳар) ларида тегишли бюджетларни тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш тартиби амалга оширилмоқда. Маҳаллий бюджетлардан қўшимча маблағларнинг камида 30%и ҳам шу мақсадлар учун ажратилади.

### ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИЛГАН ТАДБИРЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА АЖРАТИЛГАН ТЕГИШЛИ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ, 2022 ЙИЛ УЧУН МЎЛЖАЛЛАР, МЛРД СЎМ.

№	Ҳудудлар	Сумма
	<b>Жами</b>	<b>1 544</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	99
2	Тошкент шаҳри	76
3	Андижон вилояти	145
4	Бухоро вилояти	91
5	Жиззах вилояти	74
6	Қашқадарё вилояти	129
7	Навоий вилояти	60
8	Наманган вилояти	132
9	Самарқанд вилояти	157
10	Сурхондарё вилояти	128
11	Сирдарё вилояти	48
12	Тошкент вилояти	130
13	Фарғона вилояти	179
14	Хоразм вилояти	95

## 2021 ЙИЛДА ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН ЛОЙИХАЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ

№	Йўналишлар	Овоз бериш натижаларига кўра ғолиб деб топилган лойиҳалар		Лойиҳалар қиймати	
		Сони	Умумий миқдорига нисбатан, %	Сумма, млн сўм	Умумий миқдорига нисбатан, %
	<b>Жами</b>	<b>1571</b>	<b>100</b>	<b>396 768</b>	<b>100</b>
1	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техник базасини ривожлантириш	360	23	102 716	26
2	Ички йўлларни (тротуарлар, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш	394	25	106 628	27
3	Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини яхшилаш	128	8	24 143	6
4	Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техник базасини ривожлантириш	71	5	28 275	7
5	Мактабгача таълимнинг моддий-техника базасини таъмирлаш ва ривожлантириш	108	7	30 995	8
6	Бошқа таълим муассасаларининг моддий-техник базасини таъмирлаш ва ривожлантириш	17	1	4 463	1
7	Спорт иншоотларини таъмирлаш ва моддий-техник базасини ривожлантириш	25	2	7 713	2
8	Маҳалла жамоат объектларини таъмирлаш	67	4	11 882	3
9	Бошқа тадбирлар	187	12	38 379	10
10	Дренаж ва ариқларни тартибга солиш	9	1	2 013	1
11	Кўча чироқларини ўрнатиш ёки таъмирлаш	111	7	18 035	5
12	Дам олиш масканларини таъмирлаш ёки моддий-техника базасини ривожлантириш	16	1	5 371	1
13	Муסיқа ва мактабдан ташқари ташкилотларнинг моддий-техник базасини таъмирлаш ва ривожлантириш	8	1	1 630	
14	Болалар ўйин майдончаларини қуриш ёки таъмирлаш	37	2	3 860	1
15	Ободонлаштириш ва туман ёки шаҳар қиёфасини ўзгартириш	33	2	10 664	3



Давлат бошқаруви органлари, адлия, прокуратура ва суд органларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини сақлаш харажатлари

**10 570,4**  
млрд сўм

- Марказий давлат ҳокимияти органлари
- Давлат бошқаруви органлари
- Прокуратура, суд ва адлия органлари
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини сақлаш

9 158,6

1 411,8



## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳоқимият органларининг захира жамғармалари – 1 758,2 млрд сўм

### Бошқа харажатлар

28 935,6  
млрд сўм



- Элчихоналар ва консулликларни сақлаш
- Аъзолик бадаллари тўлови ва халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштиришда Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши (БМТ, ЮНЕСКО ва б.)
- Статистика ишларини бажариш учун давлат буюртмаси
- Қабул уйлари сақлаш
- Адвокатлар хизматлари
- Сиёсий партияларнинг устав фаолиятини молиялаштириш
- Бошқарув органларининг бошқа ташкилотлари
- Бошқа харажатлар

## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

### 2022 йил учун ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЮДЖЕТИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ, ХАРАЖАТЛАРИ ВА БЮДЖЕТЛАРАРО ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ТРАНСФЕРТЛАРИНИНГ ПРОГНОЗИ, МЛРД СЎМ

№	Ҳудудлар	Даромадлар	Харажатлар	Бюджетлараро тартибга солувчи трансфертлар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2 356,2	3 874,2	1 518,0
2.	Андижон вилояти	3 059,4	4 741,6	1 682,3
3.	Бухоро вилояти	2 904,0	3 346,3	442,3
4.	Жиззах вилояти	1 727,2	2 551,8	824,6
5.	Қашқадарё вилояти	3 483,0	5 534,3	2 051,3
6.	Навоий вилояти	2 186,3	2 186,3	-
7.	Наманган вилояти	2 903,2	4 608,0	1 704,8
8.	Самарқанд вилояти	3 955,8	4 963,8	1 008,0
9.	Сурхондарё вилояти	2 466,9	4 453,9	1 987,0
10.	Сирдарё вилояти***	1 104,5	1 777,7	673,2
11.	Тошкент вилояти	4 378,9	4 378,9	-
12.	Фарғона вилояти	4 242,5	5 619,9	1 377,4
13.	Хоразм вилояти***	2 220,6	3 067,2	846,6
14.	Тошкент шаҳри****	6 044,7	6 044,7	-
	<b>Жами</b>	<b>43 033,2</b>	<b>57 148,7</b>	<b>14 115,6</b>

\* Мобиль алоқа хизмати, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумлари ҳисобдан ажаратиладиган маблағларни инобатга олган ҳолда

\*\* Маҳаллий бюджетлар ҳисобидан сўндириладиган давлат қарзига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни инобатга олган ҳолда

\*\*\* Давлат тиббий суғурта жамғармасига трансфертлар — 525,3 млрд сўм (шундан, Сирдарё вилояти — 522,3 млрд сўм, Хоразм вилояти — 3,0 млрд сўм)

\*\*\*\* Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасига трансфертлар – 18,7 млрд сўм.



**2022 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ ДАРОМАДЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ МЎЛЖАЛЛАРИ, МЛРД СЎМ**

№	Кўрсаткичлар	Даромадлар прогнози*	Давлат бюджетидан трансфертлар	Давлат бюджетига трансфертлар	Харажатлар*
<b>I</b>	<b>Давлат мақсадли жамғармалари – жами</b>	<b>31 935,9</b>	<b>25 900,1</b>	<b>500,0</b>	<b>58 179,0</b>
1	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси	-	170,0	-	170,0
2	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма	-	500,0	-	500,0
3	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	29 086,5	14 000,0	-	43 936,3
4	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси	272,1	940,0	-	1 212,1
5	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	59,0	-	-	61,3
6	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси	11,7	300,0	-	310,0
7	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	54,0	150,0	-	204,2
8	Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	30,0	50,0	-	259,5
9	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси	86,0	-	-	86,0
10	Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	0,6	-	-	0,6
11	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси	299,4	605,0	-	1 154,1

№	Кўрсаткичлар	Даромадлар прогнози*	Давлат бюджетидан трансфертлар	Давлат бюджетига трансфертлар	Харажатлар*
12	Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	215,0	500,0	-	1 205,0
13	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахбороткоммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	928,6	-	-	928,6
14	Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	13,0	12,0	-	32,3
15	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси	239,7	-	-	280,3
16	Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	154,0	91,0	-	253,4
17	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	558,9	-	500,0	87,4
18	"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	1,5	-	-	2,0
19	Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси	-	1 124,8	-	1 124,8
20	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси **	12,0	1 000,0	-	-
21	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси	-	4 820,4	-	4 820,4
22	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	-	1 000,0	-	1 000,0
23	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	-	636,9	-	636,9
<b>II</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси</b>	<b>8 495,3</b>			<b>7 727,1</b>

\* Мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида жамланиб, тақсимланиши сабабли Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси даромадлари ва харажатлари давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ва харажатлари таркибида акс эттирилмайди;

\*\* Тижорат банклари билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўртасида имзоланган депозит шартномасига мувофиқ, таълим кредити учун ажратилган маблағлар келгусида ушбу Жамғармага қайтиши сабабли харажатларда акс эттирилмайди.

**2022 ЙИЛ УЧУН РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИДАН БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИ ТАҚСИМЛОВЧИЛАРГА АЖРАТИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАРНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ, МЛРД СЎМ**

№	Кўрсаткичлар	Сумма
	<b>Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, жами</b>	<b>171 894,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	100 432,6
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	8 777,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	14 628,0
	давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	25 356,2
	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар	14 115,6
	қайта тақсимланадиган маблағлар	17 361,7
<b>1.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги</b>	<b>25 816,1</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	25 061,1
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	302,0
	Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси учун ажратиладиган маблағлар	150,0
	халқ таълими муассасаларини кенг поласали Интернет тармоғига улаш учун харажатлар	152,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	150,0
	Республика мақсадли китоб жамғармасига трансфертлар	605,0
<b>2.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги</b>	<b>6 491,5</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	6 456,5
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	1 722,3
	мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси учун ажратиладиган маблағлар	115,5
	шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:	
	давлат хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига субсидиялар	1 500,0
	болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш харажатлари	106,8
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	35,0
<b>3.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</b>	<b>4 146,6</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	3 969,9
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	193,2
	давлат-хусусий шериклик ва давлат олий таълим ташкилотларининг буюртмалари асосида талабалар турар жойини барпо этиш бўйича лойиҳалар учун субсидиялар	178,6
	шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:	

№	Кўрсаткичлар	Сумма
	«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга уларнинг амалиётни ўташи даврида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида бериладиган ҳар ойлик субсидиялар	14,6
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	176,7
<b>4.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги</b>	<b>3 086,7</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 628,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	1 273,7
	болаларни вакцинация қилиш билан боғлиқ харажатлар	205,0
	болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш тадбирлари учун харажатлар	58,1
	оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини сақлаш учун зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар («К» витамини, сурфактант ва бошқалар) билан таъминлашга доир харажатлар	28,6
	болалар тиббиёт ва туғруқ муассасаларида юқори технологик лаборатор ускуналаридан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида реагентлар, сарфлов анжомлари ҳамда сервис хизматлари учун харажатлар	8,0
	одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликлар тарқалишига қарши курашиш билан боғлиқ харажатлар	95,4
	нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш учун харажатлар	101,6
	нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун харажатлар	30,6
	бўйрак ва жигар трансплантацияси бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларни дори воситалари билан таъминлашга доир харажатлар	21,0
